



ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИҚДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ИЧКИ ИШЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Мехмонали Суванкулов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака
ошириш институти, Юридик фанлар
кафедраси бошлиғи, ю.ф.н., профессор.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20717982>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 12-iyun 2026 yil
Ma'qullandi: 14-iyun 2026 yil
Nashr qilindi: 16-iyun 2026 yil

KEY WORDS

гендер сиёсат, тазйиқ ва
зўравонлик, ҳимоя ордери,
маҳалла, профилактика,
реабилитация маркази,
ҳамкорлик.

ABSTRACT

Мақолада хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, ҳуқуқий-ташкилий механизмлар ҳамда ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳимоя ордерлари, реабилитация марказлари фаолияти ва статистик маълумотлар асосида мавжуд муаммолар ва профилактика чораларининг самарадорлиги ёритилган.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар қандай тазйиқ, зўравонлик ва тажовузлардан ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва институционал асослар изчил такомиллаштирилиб, бу соҳада тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида жамиятнинг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш, гендер тенгликни мустаҳкамлаш ҳамда аёлларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича самарали ҳуқуқий база яратилди.

Шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси асосида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ҳамда аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда¹.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркакларга тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-562-сон² ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон қонунлари³ қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди.

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон; <https://lex.uz/docs/6600413>;

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/562/3681-сон; <https://lex.uz/acts/4494849>;

³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/561/3680-сон; <https://lex.uz/mact/4494709>;

Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсати доирасида энг қуйи бўғин – маҳалла ва хонадонгача етиб борадиган вертикал тизим шакллантирилди

Республикада оила ва хотин-қизларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг муаммоларини тизимли ҳал этиш ҳамда ваколатли органлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги 81-сон Фармонида мувофиқ Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди, маҳаллаларда хотин-қизлар фаоли лавозими жорий қилиниб, унга давлат хизматчиси мақоми берилди⁴.

Шунингдек, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда бу йўналишдаги фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги тизимида махсус тузилмалар ташкил этилди. Жумладан, 2019 йил 14 июндаги Вазирлар Маҳкамаси қарорига⁵ мувофиқ, Ички ишлар вазирлигида ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларида хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида махсус бўлинмалар фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари гендер сиёсатини амалга ошириш, жамиятда зўравонликка нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишдан иборат. Шунингдек, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш, бу ҳодисага олиб келувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш ҳамда давлат органлари, маҳалла, ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш устувор вазифалар сифатида белгиланган⁶.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда ички ишлар органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари муҳим ўрин тутди. Уларнинг ўзаро ҳамкорлиги маҳаллалар даражасида “Ўзбекистон-2030” стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Ички ишлар органлари хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилади: давлат ва ҳудудий дастурлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади; тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, унинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича профилактик ишлар олиб боради; хотин-қизларга нисбатан содир этилган ёки содир этилиши мумкин бўлган зўравонлик ҳолатлари бўйича мурожаатларни кўриб чиқишда иштирок этади; зўравонликка мойил шахсларга нисбатан расмий огоҳлантириш беришда ҳамкорлик қилади; ҳимоя ордерларини расмийлаштириш жараёнида иштирок этади; шунингдек, зўравонлик содир этган

⁴ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.03.2022 й., 06/22/87/0198-сон; <https://lex.uz/ru/docs/5899498>;

⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.06.2019 й., 09/19/495/3289-сон

⁶ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/562/3681-сон; <https://lex.uz/acts/4494849>;

шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ваколатлари доирасида тегишли чораларни кўради.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ички ишлар органларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга оид қонунчилик ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади, шу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади.

Шунингдек, қонунчиликка мувофиқ, улар хотин-қизларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ва оиладаги ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ҳамда ёш авлодни тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади⁷.

Ички ишлар органларида хотин-қизлар билан ишлаш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оғир ижтимоий ҳолатда қолган, шу жумладан оилавий муаммоларга дуч келган ва турмушда зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Таҳлиллар кўрсатишича, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларга қарамасдан, уларга нисбатан турли кўринишдаги ҳуқуқбузарлик ва тажовуз ҳолатлари сақланиб қолмоқда. Хусусан, 2024 йилнинг дастлабки 6 ойида республика бўйича 42 746 нафар хотин-қиз жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликлардан жабрланган. Улардан 821 нафари жиноятлар оқибатида зарар кўрган бўлиб, уларнинг 10,0 фоизи вояга етмаганлар, 25,8 фоизи ёшлар, 64,1 фоизи 30 ёшдан юқори аёллар, шунингдек, 10,2 фоизи ишсиз ва уй бекалари эканлиги аниқланган.

Ислоҳотлар жараёнида тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини самарали таъминлаш мақсадида “Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази” ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти йўлга қўйилди⁸.

Ўтган давр мобайнида оғир ижтимоий аҳволда қолган, оилавий муаммоларга дуч келган, турмушда зўравонликка учраган, шунингдек ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган 221 нафар хотин-қиз “Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари”га жойлаштирилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қонунчиликка мувофиқ хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш амалиёти ички ишлар органлари профилактика инспекторлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги бевосита ҳамкорлик орқали амалга оширилади. Бунда, биринчи навбатда, жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордери бериш, унинг ижросини таъминлаш ҳамда мониторинг юритиш ишлари ташкил этилади. Шунингдек, тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки бундай хулқ-атворга мойил бўлган шахсларга нисбатан тузатиш дастурлари доирасида

⁷ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/562/3681-сон; <https://lex.uz/acts/4494849>;

⁸ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.10.2023 й., 07/23/319/0745-сон; <https://lex.uz/docs/6624639>;

белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш ва улар ижросини таъминлаш ҳам муҳим йўналиш сифатида белгиланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2024 йилнинг 06 оyi давомида хотин-қизларга нисбатан 21 818 та тазйиқ ва зўравонлик аниқланиб, шундан 3 169 та жисмоний, 17 та жинсий, 93 та иқтисодий, 10 238 та руҳий зўравонлик, 4 566 та тазйиқ ва 27 та таъқиб этиш ҳолатлари қайд этилган. Мазкур тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича жабрланганларга ҳимоя ордерлари берилган.

Хотин-қизларга нисбатан қайд этилган тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг 86,6 фоизи оилаларда, 9,3 фоизи кўчаларда, 2,8 фоизи жамоат жойларида, 0,8 фоизи иш жойларида, 0,5 фоизи таълим муассасаларида содир этилганлиги аниқланган.

Ўз навбатида, 438 та ҳолатда ҳимоя ордерлари такроран расмийлаштириб берилди. Шунингдек, ҳимоя ордерида белгиланган чекловларга амал қилмасдан, ўзи учун тўғри хулоса чиқармаган 1 814 нафар шахслар маъмурий жавобгарликка (МЖТКнинг 206-1-м асосида) тортилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2024 йилнинг дастлабки 6 оyi давомида хотин-қизларга нисбатан 21 818 та тазйиқ ва зўравонлик ҳолати аниқланган бўлиб, уларнинг 3 169 таси жисмоний, 17 таси жинсий, 93 таси иқтисодий, 10 238 таси руҳий зўравонлик, 4 566 таси тазйиқ ва 27 таси таъқиб қилиш ҳолатларини ташкил этган. Барча ҳолатлар бўйича жабрланганларга ҳимоя ордерлари берилган.

Қайд этилган ҳолатларнинг асосий қисми (86,6 фоиз) оила муҳитида, 9,3 фоизи кўчада, 2,8 фоизи жамоат жойларида, 0,8 фоизи иш жойларида ва 0,5 фоизи таълим муассасаларида содир этилган. Шу даврда 438 ҳолатда ҳимоя ордери такроран расмийлаштирилган бўлиб, 1 814 нафар шахс ҳимоя ордери талабларига риоя этмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган.

2025 йилнинг 4 ойлик натижаларига кўра, ҳимоя ордерлари асосида 10 117 та оила яраштирилган, 13 509 та оилавий низоларнинг сабаблари аниқланиб бартараф этилган. Шунингдек, 23 393 нафар шахсга нисбатан чекловлар ўрнатилган, 1 235 нафар шахс ҳимоя ордери талабларини бузгани ва 4 353 нафар шахс оилавий зўравонлик содир этгани учун маъмурий жавобгарликка тортилган, 49 нафар шахс эса тузатиш дастурларига жалб этилган.

Шу даврда 29 та ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати суд томонидан узайтирилган. Шунингдек, хотин-қизларга нисбатан шахвоний шилқимлик содир этган 495 нафар шахс маъмурий, оилавий зўравонлик содир этган 169 нафар шахс эса жиноий жавобгарликка тортилган.

Хулоса ва таклиф. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида Ўзбекистонда мустаҳкам ҳуқуқий, ташкилий ва институционал асослар яратилган бўлиб, ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик тизимли йўлга қўйилган. Амалиётда ҳимоя ордерларини бериш, профилактик ишлар олиб бориш ва зўравонлик ҳолатларига жавоб чораларини кўриш орқали муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Шу билан бирга, статистик маълумотлар тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари ҳали ҳам сақланиб қолаётганини кўрсатиб, бу йўналишда профилактика ишларини янада кучайтириш зарурлигини англатади.

1. Шу муносабат билан, хотин-қизларни ҳимоя қилишда “ҳимоя ордери – реабилитация – профилактика” узлуксиз тизимини такомиллаштириш, маҳалла даражасида манзилли ишларни кучайтириш, зўравонликка мойил шахслар билан индивидуал тузатиш дастурларини кенг жорий этиш ҳамда жамоатчилик назоратини ошириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ички ишлар органлари ва “Маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини янада фаоллаштириш орқали зўравонликнинг олдини олиш ва унинг сабабларини бартараф этишда самарадорликни ошириш зарур.

